

ОБЛАСТИМИЗ ҒАЛЛАКОРЛАРИ! 162000 ТОННА ДОН ЕТИШТИРИШ УЧУН КУРАШАЙЛИК

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОЗЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ИЙЛ
ЧИКИШИ

№ 59 (4775).

24
МАРТ

ШАНБА

1973 ИЙЛ

Баҳоси 2 тийин.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧИНЧИ ЙИЛИДА МЎЛ ДОН ЕТИШТИРАЙЛИК

Ўтган кун, 22 мартада Юқори Чирчиқ районидagi «Правда» колхозининг маданият саройида област илғор ғаллакорларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаши област партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. М. МУСАХОНОВ очди.

Область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Т. ТОШҚУЛОВ бешилликнинг учинчи йилида дон етиштириши ва тайёрлаши янада кўпайтириш тадбирлари ҳақида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилиш-

да Юқори Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари И. ЛАДУШКИН. Янгийўл районидagi «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи П. САИДАЛИЕВ, Бекобод район ижроия комитетининг раиси Э. ХАТАМОВ, «Бўқа» совхозини бўлим бошқарувчиси В. ЮН, «Красный водопад» тажриба сенов базаси бригада бошлиғи Қ. ҒУЛОМОВА, Шолчичлик илмий-тадқиқот институтининг директори Х. ЁРМОНОВА, Ўстонлиқ райо-

нидаги Фрунзе номи колхоз раиси Ф. РАЗОВ, Оқдўрғон районидagi Ҳамза номи колхоз бригада бошлиғи М. АБДИЕВ, Пискент районидagi Тельман номи колхозининг бригада бошлиғи А. ХОШИМОВ ўртоқлар қатнашдилар.

Кенгаш қатнашчилари област қишлоқ хўжалик ходимларига мурожаат қабул қилдилар.

Кенгашда област партия комитетининг биринчи секретари М. М. МУСАХОНОВ ва област партия комитетининг секретари М. Н. КАМОЛОВ ўртоқлар нутқ сўзладилар.

Область илғор ғаллакорлари кенгаши қатнашчиларининг облаstdаги барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига МУРОЖААТИ

Қимматли ўртоқлар!

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари барча совет халқлари қатори халқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида беш йиллик планда кўрсатилган вазифаларни билади руҳ ва юксак меҳнат қўтаришчилиги билан амалга оширишга ундамоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил декабрь Пленуми қарори, ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Совет давлатининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлисидagi доклады, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1973 йилда дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириши ва тайёрлаши кўпайтириш учун қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини кенг авж олдириш ҳақида»ги қарори беш йилликнинг учинчи йили вазифаларини муваффақиятли бажариш учун барча резервларини ишга солишга ва бошқа тадбирларини амалга оширишга ундамоқда.

Область қишлоқ хўжалик ходимлари ўзларининг курултойида 162 минг тонна дон, шу жумладан 43 минг тонна шол ва 35 минг тонна маккажўхори дони етиштиришдек юқори социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Областимизда дон етиштиришни кўпайтириш учун баҳорикор ерларда, айниқса сугорилмаган ерларда дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш, бу экин экладиган майдонларни кенгайтириш энг муҳим шартлардан ҳисобланади.

Ҳозир, колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланган, сугорилмаган ерлар кенгайган, кўплаб минерал ўғитлар етказиб берилаётган, дон экинларини экин ва ҳосилини йиғиб олиш учун кўплаб янги техника етказиб берилаётган ва ғаллакор кадрларнинг малакаси ошган бир пайтда, биз коммул ишонч билан, дон етиштириш бўйича олинган мажбурият ҳар бир хўжалик ва ҳар бир бригада бўйича сўзсиз бажарилади, деб айта оламиз.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ёш маккажўхориқорлари республика кенгаши қатнашчиларига йўллаган табриғи «Бизни янада ғайрат билан ишлашга, катта вазифаларни бажаришга»

жаришга ва меҳнатда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишга илҳомлантиради.

Л. И. Брежневнинг кенгаш қатнашчиларига юборган табриғида шундай дейлади: «Шонли ўзбек миришкорларининг пахтачиликдаги ибратли аъёнлари барча деҳқонлар учун яхши намуна бўлиб хизмат қилади. Сизлар маккажўхори етиштиришда ҳам юксак натижаларга эришингизга шак-шубҳа йўқ».

Областимиз деҳқонлари республикамизнинг барча қишлоқ хўжалик ходимлари қатори ўз меҳнатларига бундай юксак баҳо берилганлиги учун самийий миннатдорчилик билдирадиган ва партиянинг кўрсатмаларини бажариш йўлида ўзларининг куч-қувватларини аямасдилар.

Юқори дон ҳосили етиштириб келаётган хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, бизнинг областимизда дон экинлари майдонини кенгайтиришдан тўғри ҳам агротехника талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ихтисослашган бригадалар тўзиш йўли билан шол, маккажўхори дон ва бошқа дон экинлари ҳосилини 1,5—2 марта ошириш имконияти мавжуддир.

Юқори Чирчиқ районидagi «Ленинский путь» колхозининг шокирлари ҳар гектар ердан 65 центнердан «Правда» колхозида 56 центнердан, Оқдўрғон районидagi Димитров номи, «Заря коммунизма», «Ленинград» ва Энгельс номи колхозларда 54—57 центнер-

дан, Ўрта Чирчиқ районидagi «Северный маяк» ва «Полярная звезда» колхозларида 54—59 центнердан шол олдилар.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг маккажўхориқорлари 77,8 центнердан, «Полюстрово» колхозида 71,5 центнердан маккажўхори дони етиштирдилар. Охангарон районидagi «Ғалламулк», «Охангарон» совхозлари, Ўстонлиқ районидagi Жданов номи ва «Қизил ту» колхозининг ғаллакорлари, Юқори Чирчиқ районидagi «Гулистон», «Ленинский путь» колхозининг ғаллакорлари баҳорикор ерлардан 10—13 центнердан дон йиғиб олдилар.

Хўжабод районидagi Димитров номи колхоз деҳқонларининг 1973 йилда ҳар гектар ердан 100 центнердан маккажўхори дони етиштириш ҳақида социалистик мусобақани кенг авж олдириш қақирчилари областимиз меҳнаткашлари орасида кенг ёйилди.

Масалан, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг Асан Муслимов бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан 110 центнердан маккажўхори дони етиштиришга аҳд қилдилар. Бизнинг илғор маккажўхориқорларимиз ва ғаллакорларимиздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Любов Ян, Сотиболди Сирлибон, Михаил Лупарев, Қория Ғуломова, Аслан Умаров ва бошқа ўртоқларнинг номилари ҳаммага маълум.

Дондор ғаллакорларимизнинг муваффақиятлари бизларнинг ҳаммамизни беш йилликнинг учинчи йили планларини муваффақиятли амалга оширишга руҳлантиради.

Қимматли дўстлар!

Бугунги кенгашимизда ғаллакорларнинг социалистик мажбуриятларини бажариш йўллари белгиланган, тажриба алмашиш, дон етиштириш кўпайтиришдаги ҳали фойдаланилмаган резервларимиз жуда кўп эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Ғалла экинлари, айниқса шол ва маккажўхори етиштириш ва ўриб-йиғиб олишни комплекс механизациялаш йўли билан бу соҳада меҳнат унвудорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш учун ҳали анча ишларни амалга оширишимиз керак.

Биз барча хўжаликларнинг раҳбарларини, мутахассисларини, ғаллачилик бригада бошлиқларини ва барча ғаллакорларни деҳқончилик маданиятини ошириш, илғор агротехника ва комплекс механизациялаш муваффақиятларини кўпайтириш асосида ишлаб чиқариш илғорларининг тақрибларини кенг ёйиш, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг натаижа ва ғамхўрлигига таяниш, бугун, арча, шол, маккажўхори ва бошқа донли экинлар ҳосили етиштиришни кўпайтириш ва давлатга сотишни оширишга чақирамиз.

Биз барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига қўшмадиган экинни энг қулай муддатларда ва сифатли ўтказайлик, ғалла экинларини сифатли парвариш қилайлик деб мурожаат қиламиз.

Илмий-тадқиқот институтлари ходимлари ва мутахассислари, тажриба станициялари ва хўжаликларининг ходимлари биз сизларга мурожаат қиламиз. Донли экинлар етиштириш ва уларни йиғиб олишда фан ва техника муваффақиятларини ҳар томонлама жорий қилингиз.

Савдо, маданият, соғлиқни сақлаш ва маншай хизмат ходимлари биз сизларга мурожаат қиламиз. Ғаллакорларга қулай шaroитлар яратиб бериш учун хўжаликларга ёрдам берингиз. Улар ҳақида доимо ғамхўрлик қилингиз. Ўрим-йиғим даврида ҳосилнинг тақдирини ҳал қилаётганлар қаторида бўлингиз.

Қимматли ўртоқлар, келинг, ғаллакор деҳқон шарафли касбини таянлаб олган комсомол ва ёшларни ҳамма вақт қўллаб-қувватлайлик. Уларга маслаҳатлар бериш, юқори ва арзон дон ҳосили етиштиришни ўргатайлик.

Биз барча ғаллакорларни зарбдор вахтада туриб областимиз бўйича ғалла етиштириш юзасидан олинган социалистик мусобақада актив қатнашишга чақирамиз.

Қимматли дўстлар!

Икки марта Ленин орденли Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бутун совет халқи сизгари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини шараф билан амалга оширишда қатнашган. Тўғрисида беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида бизнинг бу соҳада қўшилган ҳиссамиз 162 минг тонна дон етиштиришдан иборатдир. Бу социалистик мажбуриятни бажариш бизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимиздир, шон-шараф ишмизидир.

БУ МУРОЖААТ ОБЛАСТЬ ИЛҒОР ҒАЛЛАКОРЛАРИ КЕНГАШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.



ЯҚИНДА Юқори Чирчиқ районидagi «Правда» колхозида ғаллакорларнинг област кенгаши бўлиб ўтган эди. Кенгаш бўлган жойда ғалладан мўл ҳосил етиштираётган ва техникдан самарали фойдаланаётган хўжаликларнинг ютуқлари ни кўрсатувчи выставка ташкил этилди. Виставани жуда кўп кенгаш қатнашчилари зўр қизиқиш билан келиб кўрдилар. Суратда: ғаллакорлар выставкани кўздан кечирмоқдалар. А. Абалин фотоси.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ҒАЛЛА ВА БЕДА ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1973 ЙИЛ 23 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — ғалла экинлар майдон (гектар ҳисобида), иккинчи стун — планга нисбатан процент ҳисобида, учинчи стун — беда экинлар майдон (гектар ҳисобида), тўртинчи стун — планга нисбатан процент ҳисобида.

Охангарон	2.668	237,4	780	53,6
Янгийўл	3.870	169,7	1.521	69,6
Юқори Чирчиқ	5.501	118,2	1.750	93,2
Бўқа	842	110,3	941	77,4
Ўрта Чирчиқ	5.105	109,1	543	53,9
Бекобод	2.460	100,0	1.486	75,1
Пискент	857	98,2	329	30,0
Ўстонлиқ	1.600	83,4	441	36,2
Оқдўрғон	—	—	2.440	93,4
Калинин	—	—	834	70,0
Орқонийда	—	—	187	27,9

Область бўйича 23.693 125,3 11.309 69,1

Л. И. БРЕЖНЕВ САДДАМ ХУСАЙНИН ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев дўстона ви-
зит билан СССРда меҳмон бўлиб
турган Ироқ Араб Социалистик
ушбуни (БААС) партияси маҳаллий
раҳбарлиги бош секретариининг ўрин-
босари. Ироқ Республикасининг револю-
цион қўмондонлиги кенгаши раисининг
ўринбосари Саддам Хусайнини
23 мартада қабул қилди.

Самийий дўстона вазиятда ўтган
суҳбатда дўстлик ва ҳамкорлик тўғ-
рисидаги Совет-Ироқ шартномаси
асосида Совет Иттифоқи билан Ироқ

Республикаси ўртасидаги муносабат-
ларни ривожлантириш масалалари му-
ҳокама қилинди. Имперализмга ва
янги мустамалакчиликка қарши
халқларнинг ялғий мустақиллиги
ва социал тараққиети учун курашда-
ги муштарак мақсадларга асосланган
КПСС билан Ироқ БААС партияси
ўртасидаги алоқа масалалари ҳам
кўриб чиқилди.

Исроил агрессияси давом этаётган-
лиги ва Янги Шарда имперализм
ҳақида реакция қўловулчилиги, фаоли-
ятининг активлашганлиги муносабати

билан бу райондаги аҳоли тўғрисида
фикрлашиб олинди. Исроил агрессия-
си латинасида босиб олинган араб
территорияларини тўла овоз қилган
«юдагина Яқин Шарқ проблемасини
ҳаққоний ҳал қилиш ва Янги Шар-
да тинчликни тинлашга эришиш му-
имияти таъкидлаб ўтилди.

Томонлар барча соҳаларда Совет-
Ироқ дўстона муносабатларининг
аҳолидан ҳамда ҳар икки
мамлакат халқлари бахт-саводати
йўлида, Яқин Шарда тинчлик ва
хавфсизлик манфаатларини кўзлаб

ана шу муносабатларни янада ри-
вожлантиришга бўлган умумий ин-
тилишдан гоёт мамнун-овқинларини
ни изҳор этидилар.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар
министри А. А. Громино, КПСС Мар-

казий Комитети аппаратининг масъ-
ул ходими Е. М. Самойлович, шунинг-
дек БААС партияси маҳаллий раҳ-
барлигининг аъзоси, революцион
қўмондонли кенгашининг аъзоси,
Ироқ Республикасининг ташқи ишлар
министри Муртада Сайд Абдил Бо-
қий ва БААС партияси маҳаллий
раҳбарлигининг аъзоси, революцион
қўмондонли кенгашининг аъзоси,
Муҳаммад Фахриддин иштирок этидилар.
(ТАСС).

БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари
Тошкент область Советининг
ижроия комитети область Совети
депутатларига маълум қила-
дики, область Советининг XIII
қақирқ VIII сессияси 1973
йил 26 март эрталаб соат II да
область ижроия комитетининг
мажлисларида (Хоразм қу-
часи, 51-уй) қақирладилар.

Область Совети сессияси кун
тартибига қўйилган масалалар
қўйилди:

1. Тошкент областидagi авто-
мобиль йўллари ва кўприклар
қуриш ва фойдаланишнинг аҳо-
ли ҳамда уни яхшилаш чора-
лари тўғрисида.

Докладчи область ижроия

комитети раисининг ўринбосари
Н. И. Белоусов. Қўшимча док-
ладчи: область Советининг ку-
рилиш бўйича доимий комис-
сияси раисининг ўринбосари
Т. Шамсеев.

2. Область Советининг халқ
маориф бўйича доимий комис-
сиясининг ҳисоботи.

Докладчи — доимий комис-
сия раиси В. А. Ларин.

Депутатлар шу заминни ўзи-
да 1973 йил 26 март эрталаб
соат 9 дан бошлаб рухсат
олинадиган.

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУ-
ТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБ-
ЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ
ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ДОН ЭКИБ БЎЛИНДИ

Ўзбекистон колхоз ва совхоз-
лари баҳорги дон экинни тугал-
ладилар. 216 минг гектар май-
донга бошоқли дон экинлари

экилди. Сурхондарё, Сирдарё,
Тошкент области хўжаликлари-
да катта майдонларга планга
қўшимча равишда бугдой ва
арпа экилди.

Ҳавонинг иссиқ келиши, тул-
роқда яхши нам ҳўллангиллиги
экинларнинг унм чидишини
тезлаштирди. Сурхондарё, Қаш-

қадарё областларининг донли
ерларида баҳорги дон экинлари
қўйиб қолди.

Хўжаликлар бир вақтда куз-
ги дон экинлар майдонлардаги
экинни парвариш қилмоқдалар.
Республикада қариб 70 минг
гектар майдонга кузги ғалла
экилган. Ўсишдан орқада қол-

ган экинларни етиштириб олиш
учун ҳозирнинг ўзидаёқ 100
минг гектар экинзор озиклан-
тирилди. Хўжаликларда дала-
ли бороналаш, нам тўплаш,
экинларни бегона ўтлардан то-
залаш ишлари қизиб кетди.

(ЎЗАТ).

